



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2020 yil « 29 » июнь

№ ПК-4761

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш аентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш аентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш аентлигининг (кейинги ўринларда – Аентлик) тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Аентлик бошқарув ходимларининг чекланган сони 50 та штат бирлиги миқдорида белгиланиб, улардан 10 та штат бирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш аентлиги, 40 та штат бирлиги эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг штат бирликларини қисқартириш ҳисобига шакллантирилсин.

Аентлик директорига бошқарув ходимларнинг белгиланган чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Аентликнинг тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳукуки берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Аентлик директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитлари бўйича вазирга, директор ўринбосарлари эса вазир ўринбосарларига тенглаштирилади;

Аентлик директори ўринбосарлари Аентлик директори тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Агентлик ходимлари директор томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, уларга эгаллаган лавозими ва иш стажига мувофиқ, шунингдек, аввалги иш жойида берилган ҳарбий ва маҳсус унвонлар (мартаба даражалари, малака тоифалари, дипломатик мартабалар) ҳисобга олинган ҳолда (мавжуд бўлганда) мартаба даражалари берилади;

Агентлиқда ишлаган давр ҳарбий ва маҳсус унвонларни олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади ҳамда уларни Агентлиқда ишлаш даврида бериш олдинги иш жойи бўйича назарда тутилган тартиб ва муддатларда амалга оширилади.

3. Агентлик ходимларига Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ходимлари учун белгиланган моддий рағбатлантириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилсин.

4. Агентлик уч ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Агентлик ходимлари учун халқаро ташкилотлар ва етакчи хорижий давлатларнинг коррупцияга қарши курашиш органларида **стажировка ўташ ва тажриба алмашиш графигининг** хорижий ҳамкорлар билан ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси билан биргаликда Агентликнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида низом лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда Агентлик фаолиятини, шу жумладан коррупцияга оид жиноятлар бўйича давлат фойдасига қаратилган маблағлар ва қайтарилган активлар ҳисобидан молиялаштиришнинг шаффоф механизmlарини жорий этиш юзасидан таклифларни киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги белгиланган тартибда Агентликнинг юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланишини, шунингдек, зарур алоқа, жумладан ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Баш вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 29 июнданги ПҚ-4761-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ТУЗИЛМАСИ



Агентлик бошқарув ходимларининг умумий сони – 50 нафар.